

ДУАЛ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Марғубахон Юнусалиевна Эшназарова

Наманган давлат университети доценти

Бекзод Холмуродович Нурматов

Наманган давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дуал таълимнинг келиб чиқиши, назарий асослари, шунингдек таълимнинг ушбу турининг мақсад ва вазифалари, афзаллик ҳамда камчиликлари ҳақида батафсил баён қилинган.

Калит сўзлар: дуал таълим, касб-ҳунар таълими, касб-ҳунар таълими мактаби, дуаллик.

THE THEORETICAL FOUNDATIONS OF DUAL EDUCATION

ABSTRACT

This article describes in detail the origin and theoretical foundations of dual education, as well as the goals and objectives, advantages and disadvantages of this type of education.

Keywords: dual education, vocational education, vocational school, duality

КИРИШ

Бугунги кунда келажак ўтмиш даврларига қараганда тезроқ ривожланиб ва инсон ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида анча фаол намоён бўлиб, ишлаб чиқариш ва истеъмолдан тортиб маданият, фан ва таълимгача бўлган ҳаётнинг турли соҳаларига таъсир қилиб келмоқда.

Замонавий инсон ҳаётида қутилмаган муаммолар доимо юзага келиб туради албатта, бу муаммоларни келиб чиқишини у тушунолмайдиган ёки тушунтириш олмайди, шу сабабли у безовталикни бошдан кечиради. Албатта, келажакни кутиб олиш учун унга тайёргарлик кўриш керак. Аввало, бунинг учун умумий таълим ва касб-ҳунар таълими тизимини тайёрлаш керак.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бир даврлар совет саноат мактаби дунёдаги энг яхши мактаблардан бири ҳисобланган. Яъни ўша даврларда ўрта касб-ҳунар мактаблари бўлиб, биринчи

марта 1954 йилда очилган. Мутахассисларни касбий тайёрлашда махсус режалар асосида амалга оширилган.

Европа таълим тизими амалиётида эса, дуал таълимни келажакдаги мутахассиснинг муваффақиятли касбий ва ижтимоий мослашуви учун таълим ташкилоти ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро таъсирининг самараси бўлиб ҳисобланган.

Адам Смит ўзининг таниқли асарида таъкидлаганидек: “Дуал таълимда - иш жойида устоз шогирдга касб-ҳунарнинг анъанавий усулларини ўргатиш деб ҳисоблаш керак, чунки уста билан бирга иш олиб бориш, ёш ишчиларни касбга бўлган қизиқишларини ортириб боради” [2].

Талабалар учун дуал таълим касб-ҳунарни ўрганишда мустақил ўзлаштириш имконига эга бўлиш ҳамда устозларнинг танбеҳ ва изоҳларига мослашиш учун ажойиб имкониятдир.

350 йил аввал Ян Амос Коменский томонидан ихтиро қилинган "ҳаммага ҳамма нарсани ўргатиш" тамойилига асосланиб ўқитилган анъанавий дарс шакли ўтган асрда инқироз босқичига ўтган эди. Кадрлар тайёрлаш ва халқаро меҳнат бозорига етук мутахассисларни чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг аниқ ифодаланган усули - бу касбий таълим мактабларига дуал таълим тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Дуал ўқитиш тизими - бу касбий таълимнинг тарихан йиғилиб келинган шакли бўлиб, Европанинг сиёсий, иқтисодий, диний ва технологик тарихига кириб келган. Бугунги кунда ушбу ўқув тизими Германия, Австрия, Дания, Голландия, Швейцарияда муваффақиятли қўлланилмоқда. "дуал", "дуалик" атамаси (лот. “дуалис” сўзидан олинган) "иккиланган, иккиланган бирлик" деган маънони англатади.

Дуал ўқитиш таълимнинг турли соҳаларида кенг қўлланилиш имконияти мавжуд. Педагогикада "дуал", "дуал тизим" тушунчалари биринчи марта Германияда 1960-йилларнинг ўрталарида таълимнинг янги шакли сифатида қўлланила бошланган. Кейинчалик таълимнинг ушбу тури дунё бўйича тан олинди ва дунё миқёсида шуҳрат қозонди. Бугунги кунда Германияда дуал ўқитиш тизими таълимда ўз урнига эга бўлиб келмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу турдаги касб-ҳунар таълими бир неча асрлар давомида мавжуд бўлиб келган. Узоқ вақт давомида нафақат Германияда, балки бутун Европада, шунингдек Осиёда фақат йигитлар турли хил ҳунармандчиликка ўргатиб

келинган. Уста шогирдга маълум бир касбнинг керакли билим ва кўникмаларни сингдириб, техникасини намоиш этади, шу билан бирга талабалар устозининг билим ва кўникмаларига эришишга интилдилар. [3, с. 22].

Немис олими Ж. Мюнх бундай ўқитиш тизимини икки хил ўқув ва ишлаб чиқариш муҳитига ажратади, умумий мақсад - тингловчиларнинг касбий тайёргарлиги йўлида бир-бирини тўлдириб ишлайди. Корхонанинг ўқув ва ишлаб чиқариш муҳитига қуйидагилар киради: 1) қисман иш ҳақи тўланадиган талаба учун иш жойи; 2) ўқув устахонаси ёки лаборатория; 3) ички машғулотлар.

Дуал таълим концепциясини тақдим этиш учун қуйидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик:

Мақсад:

- мутахассисларни тайёрлаш орқали касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш;
- касб-ҳунар мактабларининг ўқув режаларига замонавий ўқитиш усуллари ва воситаларини жорий этиш;
- узлуксиз касб-ҳунар таълими мактаблари тизимини модернизация қилиш;
- мутахассисларнинг касбий стандартларини такомиллаштириш.

Вазифалар:

- мутахассис тайёрлаш тизими ва халқаро меҳнат бозори талаби ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш;
- жамиятимизнинг барча соҳалари ва меҳнат бозори талабига жавоб берадиган бир қатор касб-ҳунар таълими муассасаларини ташкил этиш;
- бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги, етук кадр, шунингдек, уларни профессионал бўлиб етишишини таъминлайдиган ўқув дастурларининг мазмуни ва тузилишини ўзгартириш, сифат жиҳатидан такомиллаштириш;
- бўлажак мутахассисларни касбий тайёргарлигини ташкил этишда, тегишли даражада ишлаб чиқилган, илмий, услубий ва моддий-техник таъминотни жорий этиш.

Талабалар учун дуал таълим барқарорлик ва келажакда ишончни қозониш учун ажойиб имкониятдир. Ушбу тизим кераксиз қийинчиликларсиз,

касбий ва меҳнат фаолиятига муаммосиз ва тенг равишда кўшилишга имкон беради.

Дуал таълим тизими кўп нарсаларга имкон беради. Масалан: Корхоналар билан биргаликда таълим олишни ташкил этиш келажакда корхонани малакали кадрлар билан таъминлаш, ўз иқтисодини ривожлантириш учун вақт ва харажатларни тежайдиган, ишлаб чиқариш муҳитига мослашиб олган ходимларни танлаб олади.

Дуал таълим нафақат маълум бир профессионал вазифаларни бажаришга ўргатади, балки меҳнат жамоасида муваффақиятли мослашишга имкон беради, керакли ваколат ва масъулиятни шакллантиради. Дуал таълим тизимининг *афзалликларини* таъкидлаб ўтсак:

1. Мутахассисларни амалий тайёрлаш нафақат корхоналарда, балки таълим ташкилотларининг устахоналари, лабораториялари ва ўқув майдончаларида ҳам амалга оширилади;

2. Таълим дастурларининг мазмуни ва таркиби таълим муассасаси ва корхона ўртасида келишилган бўлиб, барча томонларнинг талабларини қондиришга имкон беради.

3. Таълим муассасаси ва корхона ўртасида яқин муносабатлар, ўзаро ҳамкорлик ривожланиши мумкин.

4. Ишга жойлашганда, меҳнат жараёнига тез мослашиш эҳтимоли катта.

5. Корхонада амалий ишларни бажариш учун ўқув муассасасидаги назарий фаолиятнинг доимий ўзгаришини ўрганиш учун энг яхши туртки бўлиб хизмат қилади;

6. Касбни аниқроқ тушунишни таъминлайди.

Дуал таълим тизимининг ижобий томонлари билан бирга, унинг *камчиликларини* ҳам кўриб чиқамиз [1] :

1. Таълим ташкилотларининг ўқув дастурлари ҳар доим ҳам корхонада бажариладиган ишларнинг мавсумий кетма-кетлигини қўллаб-қувватламайди;

2. Таълим ташкилоти баъзан корхона томонидан талаб қилинадиган ўқув материални тақдим этишга улгурмаслиги мумкин;

4. Корхоналарни янги (ёш) мутахассисларни қабул қилишни истамаслиги;

5. Молиявий имкониятларнинг етишмаслиги сабабли корхоналар ўз маҳсулотларининг нархини ошириш орқали таълим олиш учун пул ишлашга мажбур бўлмоқдалар.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, дуал таълим-корхона (муассаса), талаба ҳамда давлатнинг манфаатлари ва талабларига жавоб бериш муҳим экан.

Албатта, бўлажак битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича муваффақиятли иш билан таъминлаш масаласи қизиқтиради. Шунинг учун давлат бутун иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласини самарали ҳал қилиб келмоқда. Юқори ва замонавий даражага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда дуал таълим тизимининг элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки айнан мана шундай машғулотлар талабага мотивация беради, ўз билимларини кўрсатиш, ижодий ривожланиш имкониятларини беради, шу билан бирга фикрлаш, ўз фаолиятини режалаштириш ва қутилган натижаларга эришишни ўргатади.

REFERENCES

1. Эшназарова, М. Ю., Катаева, М. М. (2021). Theoretical basis of mobile learning and use of mobile platforms. *International Journal on Integrated Education*, 4(1), 184-187.
2. Имомов, А., Эшназарова, М. Ю., Тошбоев, С. М. (2020). “Чизиқли алгебраик тенгламалар системаси” мавзусини “Муаммоли технология” асосида ўқитиш. *Modern informatics and its teaching methods*, 1(1), 197-202.
3. Samaridin Barakayevich Qorayev, Marjan Smatillayevna Janbayeva. (2021). Boshlang'ich sinf o'qish darslarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish. *Academic research in educational sciences*, 2(4).
4. Samaridin Barakayevich Qorayev, Sarvinoz Baxtiyorovna Allayorova. (2021). Boshlang'ich sinf o'quvchilarini pirls xalqaro baholash dasturi tizimiga tayyorlash jarayonini takomillashtirish masalalari. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
5. Қораев, С.Б. (2018). Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этишнинг долзарблиги. *Таълим, фан ва инновация* 4, 28-31.
6. М. Tilakova, S. Qoraev. (2020). Recommendations for students'creative ability development. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(4), 184-189.
7. Мавжуда Тилакова, Самариддин Қораев, (2020). Ўқувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар. *Academic research in educational sciences*, 4.

8. Kuzmanova, G. B. (2021). Umumiy o'rta ta'lim maktablari matematika darslarida matnli masalalarni o'rgatishda innovatsion klaster usulining ahamiyati. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
9. Kuzmanova, G. B. (2021). Umumiy o'rta ta'lim maktablarida matnli masalalarning ta'limiy ahamiyati. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 1154-1159.
10. Жабборова, О., Ташпулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
11. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
12. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
13. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(04), 449-453.
14. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
15. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 702-706.